

КАДРЛАРГА ҒАМХЎР БЎЛАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

у цехдаги марксизм-ленинизм асослари мактабиди пропагандалик қилиб келмоқда.

Бундай мисолларни кўп-лаб келтириш мумкин. Партком ва цех партия ташкилотлари ёш мутахассисларни, қўбиллатилган ташкилотчиларни раҳбарлик лавозимларига қўйишга, улар билан ишлашга катта эътибор қаратмоқда. Масалан, коммунистлардан — 2-механика цехининг бошлиғи А. М. Мелкумов, реализация, меҳнат ва иш ҳақи бўлимларининг бош-лиқлари В. В. Скрипников, П. К. Никитин ва бошқалар уларига берилган участка-ларга муваффақиятли бош-чилик қилмоқдалар.

Муболагасиз айтиш мум-кинки, корхонада ҳозиргидек юқори малакали кадрлар сос-тави ҳеч қачон бўлган эмас. Масалан, раҳбарларнинг 80

процентдан зиёроғи комму-нистлардир, 97 проценти олий ва ўрта техника маъ-лумотига эга, 80 проценти марксизм-ленинизм универ-ситетини битирган.

Ўрта звено раҳбарларини — участка, бошқалиқлари, мас-тер, бригадирларини танлаш-га катта эътибор қарати-моқда. Улар цех партия таш-килотлари номенклатурасига киритилган. Мастерларнинг 40 процентдан кўпроғи комму-нистлар ва комсомоллар-дир. 80 процентдан зиёроғи олий ва ўрта махсус маълу-мотга эга. Улар орасида ёш, қўбиллатилган мутахассис-лар кўп. Улар ташкилотчилик ва тарбиявий иш олиб бориш кўникмаларига эгадирлар.

Бирлашма бош директори, коммунист И. Х. Мусин мас-терлар мактабига бошчилик қилмоқда. Мактабда машгул-отлари доимо қизиларли, маъ-мули ўтади. Тингловчилар-ундан кўпгина фойдали нар-

салар олишади.

Партком, цех партия таш-килотлари ва бўлим раҳбар-лари бригадаларга катта эъ-тибор беришляпти. Корхона-миқда ҳар йили бригадирлар слёти ўтказилмоқда. Бу ўзи-га хос мактаб бўлиб, унда иш тақрибларли алмашиш-ляпти.

Раҳбар ходимларни тайёр-лаш бўйича олиб борилади-ган ишларнинг асосини за-вод партия комитети тасдиқ-лаган кадрлар резерви таш-кил этади. Улар асосан ёш мутахассислар бўлиб, олий ўқув юртлири ва техникум-ларни битиришган. Ходимни резервга киритишдан олдин биз у ҳақда пех партия таш-килотининг ва у ишлатган меҳнат коллективининг фик-рини ҳисобга оламиз. Пар-тия комитети, цех партия ташкилотлари раҳбар кадр-лар фаолиятининг амалий натижаларини ҳар томонла-ма ҳисобга олади. Унга ёр-

дам беришга интилади.

Лавозимнинг ўзгична ки-шига оғир-этибор келтири-майли, балки ҳалол ва фи-дорона меҳнат раҳбарининг обрўсини оширади. Лавозим-га номуносиб ходим, ай-ниқса раҳбар у ёки бу иш-лаб чиқариш участкаси ва жамоат ишида ишнинг ол-динга силжигиша ҳалақит беради. Шунинг учун ҳам ўз лавозимига номуносиб бўл-ган бундай раҳбар ходимдан иложи борица тезроқ қуту-лишга ҳаракат қилиш ке-рак. 4-ремонт-механика це-хига раҳбарликка муайян стажга ва иш тажрибасига эга бўлган Ю. Тихонов таъ-сис этилган эди.

Бироқ, унинг ишини қузатиб бориш шунинг кўрсатдики, у бундай масъулиятли лавозимга но-лоий экан. Номуд раҳбар-лик оқибатида цех ишлаб чиқариш планини уйдалай олмади, меҳнат интизоми кес-кин пасайиб кетди. Цехнинг

ишини ҳар томонлама тах-лил этиб, биз Ю. Тихоновни раҳбарлик ишидан четлашти-ришга мажбур бўлдик. Бош метролог бўлимнинг бошли-ғи Г. Елнотига нисбатан ҳам худди шундай йўл тутишга тўғри келди. Албатта, бу сўнгги чорамиз эди, қола-верса, бу бизнинг раҳбар кадрларни танлашдаги нуқ-сонимиз ҳам эди.

Қилинган ишларни холи-сона баҳолаш шунинг айтиш керакки, ўрта звено раҳбар-ларининг қўбиллатилган ҳамон махсус маълумоти эга эмас. Кадрлар резерви билан иш-лашни ҳам ҳали яхшилаш-миз керак.

Партком юқоридаги нуқ-сонларга қатъий ва изчил барҳам бериш чораларини кўрмоқда. Шунинг айтиш мум-кинки, бу иш ҳозирдаёқ сези-ларли самара бермоқда. Ўн биринчи беш йилликнинг ўт-

ган уч йиллик давлат плани барча техник-интисодий қўр-саткичлар бўйича муваффа-қиятли бажарилди. Шу йил-нинг ўтган беш ойи ичиди планга қўшимча 1,1 милли-он сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Меҳнат интизоми яхшиланди. Сўнгги уч йил ичиди прогнудлар сони сал-кам 4 марта, иш вақтининг йўқотишлар сони 6 марта камайди.

Биз шунинг айтиш тушуна-минки, олдинда ҳали кат-та ишлар турибди. Булар зўр гайрат билан ишланиш талаб этади. Энг аввало, Ўз-бекистон Компартияси Мар-казий Комитетининг XVI пленумида таъкидлаб ўтил-ганидек ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни тубдан яхшилаш, кадрларни партия ҳаётининг ленинча нормаларига ва кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашнинг ленинча принципларига оғишмай ри-оя қилишга эришиш зарур.


ЯНГИ РУБРИКА

ЯНГИ МОЛЛАР

Тошкентдаги корхоналарнинг қарийб барчасида ҳалқ истеъмоли моллари иш-лаб чиқариладиган цех ва участкалар бор. Ҳар қаватда улар ўзларининг янги маҳсулотларини «Союзпромнедренне» Бутуниттифок бирлашмасининг филиали экстерит келгаш соҳа коммиссиялари тасдиғига ҳавола этишади.

Биз бундан бўён ян ш рубрика ос-тида янгигина ишлаб чиқариладиган, ўз-лаштирилган ёки конвейердан чиқар-иллиб, пойтахт магазинларига етказиб бериладиган янги моллар ҳақида ҳикоя қилиб борамиз.

КУЙПОВЧИ БИПЛУР



«Миконда» заводи 1985 йилга мўлжаллан-ган янги буюмларнинг тақриб партиясини ишлаб чиқаради. Булар икки хил шаклдаги гулдон, тўртбурчакли ваза, зебу-зийнатлар сақланадиган қутичадир. Корхона шу кун-ларда магазинларга, дастурхон безаш учун мўлжалланган баҳоси 12, 20 ва 30 сўмлик (суратда акс эттирилган) вазалар-нинг тақриб партиясини етказиб бермоқ-да.

ЙЎЛ ВА СПОРТ СУМКАЛАРИ



Тошкентдаги чарм-галантерё ва спорт моллари ишлаб чиқариш бирлашмаси «Со-юзпромнедренне» тасвия этган намуналар-га буюн ёшлар спорт ва йўл сумкаларин-нинг бир неча моделларини ўзлаштирди. 584—589 модели ёшлар сумкаси майин суғий чармдан тикилган бўлиб, унинг ҳа-ким иҳкам, баҳоси 8 сўм. Бундан ташқари баҳоси 7 сўм 50 тиғин бўлган икки хил спорт сумкаси рамзий суратлар билан бе-зақилган. Янги маҳсулотларнинг дастлабки туркуми учинчи кварталдаёқ тикиб чиқари-лади.

АРФИМЧОК КРЕСЛО



«СССР 50 йиллиги» номидаги Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлаш-маси бошларига атоб кресло-стулчалар иш-лаб чиқаришга киришди. Учинчи квартал-даёқ алоҳида соға ҳолида ўралган (йи-гиледиган кресло) маҳсулотларнинг даст-лабки партиясини таъйинлашга киришди. Бу ерда ҳар бир маҳсулотдан 50 минг сўмликдан таъйинланади.

СОПОЛ ШАМДОН



Тошкент қурилиш материаллари комби-натининг ҳалқ истеъмоли моллари учас-тасида баҳоси етти 1 сўм бўлган иҳкам ва чиройли сопол шамдон ишлаб чиқари-моқда. Бундан ташқари ичимлик солинеди-ган вазалар ҳам чиройли ва иҳкам ишлан-ган. Бу маҳсулотларнинг дастлабки тақри-ба намуналари харидорларга етиб борди. Йил охирига қадар яна бир неча минг дона ана шундай буюм ишлаб чиқарилади.

Сиз ҳурматли газетхонлардан қўйи-даги саволларга жавоб беришганизиз сўраймиз:


Янги маҳсулотлар ҳақида сиз-нинг фикрингиз қандай? Бу маҳсулотларни кўп-лаб иш-лаб чиқариш позициями ёки улар харидорларнинг оммавий тала-бига сазовор бўлмайди?

Жавобларингизни қуйидаги адресга йўллаган:

700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41-уй.

Конвертда «Янги моллар» деб ёзил-син.

Т. КАРИМОВ фотолари.



ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ХИМИЯВИЙ МАҲСУЛОТЛАР КЎПАЯДИ

ПРАГА. Ўзаро Иқ-тисодий Ёрдам Кенга-шига аъзо бўлган мам-лакатлар билан бирга-ликда кооперациялаш ва иҳтисослаштириш тадбирларининг амалга оширилиши, деди Че-хия Социалистик Рес-публикаси саноат ми-

нистри Н. Марцин ТАСС мухбири билан суҳбатда, химия сано-атини ривожлантириш учун актириб берилган маблағлардан самара-ли фойдаланишга кў-маклашмоқда. Химия-вий маҳсулот тўғриси-да Ўзаро Иқтисодий

Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасида тузилган би-тим, деб таъкидлади у, бу соҳада муҳим роль ўйнади. Шу битимга муво-фиқ, Чехословакия хи-мия корхоналари қар-дош социалистик мам-

МЕҲНАТ КОДЕКСИ ЛОЙИҲАСИ

ГАВАНА. Ғарбий ярим шарда биринчи марта тузиб чиқилган социалистик меҳнат кодекси лойиҳаси Куба ишчилар синфи рево-люция ғалаба қилгани-га қадар амалга оши-риш учун курашган ҳамма талабларни, пролетариат диктатура-сининг ҳозирги босқи-чида ишчилар синфи-нинг ҳуқуқи ва бурча-ларини ўз ичига олади. Куба халқ ҳокимияти

Миллий Ассамблеяси-нинг Раиси Флавио Бравас Янги Меҳнат ко-декси масалаларига ба-ғишлаб ўтказилган ми-ллий семинарни ёпиш вақтида сўзлаган нутқида шу ҳақда га-пирди. Лойиҳани халқ ҳокимияти Миллий Ас-самблеяси, меҳнат ва со-циал таъминот маса-лалари билан шуғул-ланувчи давлат коми-тети, юстиция минис-три ва Куба меҳнат-


кашларининг касаба соҳоз вакилларидан ибор-ат тузилган комиссия ишлаб чиқди. Юрис-тлар касаба соҳозлари ва маъмурий ташки-лотларнинг раҳбарлари, барча меҳнатқашлар бу муҳим ҳужжат қи-чаларини ўрганиб қа-қадилар ва меҳнат ҳо-кекисига илова қилина-диган тасвия ҳамда, тақлифларни киритади-лар.

ЎҒРИ ПИТОН

Уч ойдан бери Ман-па шаҳар кварталлари-дан бирининг аҳолиси бошим қотириб келган жумбоқ ниҳоят ҳал бўл-ди. Гап шундаки, ерлик аҳоли урушқоқ хўро-ларининг бир кечада сирли йўқолишидан қат-тиқ ташвишда эди. Тур-ли тахминлар қилинар-ди-ю, лекин бу ўғир-ликнинг асосий сабаби очилмай қоларди.

Хўро эгалари ўз бо-қимдонлари Филиппинда маълум ва машҳур бўл-ган ва бу ерда кўп вақт-лардан бери оммавий тус олган хўролар жан-гида қатнаша олмай қолганидан аламда эди-лар.

Ўғри эса қўқисдан ярим кечада пайдо бў-ларди-ю, ўз ўлкасини олиб жўнаб қоларди. Яқинда шаҳар полиция-си бу тўғри ўғрини жо-нист устда қўлга ту-ширди. У бу кварталдан унча ўзоқ бўлмаган ўр-мон богда истикомат қилаётган тўрт метрли питон экан.



ТИКАНЛИ СИМ ИЧИДАГИ ОРОЛ

Пентагон Окинавани кўп йиллардан бўён зўр-лик билан Узоқ Шарқ-даги ўз қудратли таъи-нага айлантириб олди. Бу ерда Американин 60 дан зиёд йирик ҳар-

бий базалари, аэродром ва армия полигонлари жойлашган. СУРАТЛАРДА: АҚШ ҳарбий-денгиз кучлари-нинг Нахадаги базаси. Унга киравиришда шун-

• ЛУҚМА Айни пишиқчиликда... дўкон берк

Ҳозир аини пишиқчи-лик пайти. Сарвонда янги хил сабзавот маҳ-сулотларининг ўрни бош-қача бўлади. У дастур-

хонинг кўркинига бў-либ қолмай, балки иш-тахани очиб, таомни иш-хил ҳазм қилишга ёрдам беради. Бу оддий ҳақи-қат. Лекин шу оддий ҳа-қиқатни тушунаётган ёки тушунишни истая-ётган кишилар ҳам топи-либ турар экан.

Киров райониди Ус-та Ширин кўчасида бун-

дан олти йил муқаддам сабзавот дўкони очилиб, у «Янги» маҳалла аҳолисини сабзавот маҳ-сулотлари билан тупта-тузуқ таъминлаб келаёт-ган эди. Нима жин ур-ди-ю мана бир ойдан ошдики, харидорлар саб-завот маҳсулотлари ун-да бу ерда осиб қўй-илган катта қўлфин то-

2 ТОШКЕНТ 84 ОҚШОМИ 5 ИЮЛЬ, 1984 й.

3

4

5

6

7

8

9

10

11

12

13

14

15

16

17

18

19

20

21

22

23

24

25

26

27

28

29

30

31

32

33

34

35

36

37

38

39

40

41

42

43

44

45

46

47

48

49

50

51

52

53

54

55

56

57

58

59

60

61

62

63

64

65

66

67

68

69

70

71

72

73

74

75

76

77

78

79

80

81

82

83

84

85

86

87

88

89

90

91

92

93

94

95

96

97

98

99

100

101

102

103

104

105

106

107

108

109

110

111

112

113

114

115

116

117

118

119

120

121

122

123

124

125

126

127

128

129

130

131

132

133

134

135

136

137

138

139

140

141

142

143

144

145

146

147

148

149

150

151

152

153

154

155

156

157

158

159

</

